

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА САЛОҲИЯТИ

Ембергенов Н.Ж.,

Абдимуратова Н.К.

Қорақалпоқ давлат университети,
Ўзбекистон

Аннотация: В данной статье изучается развитие туристической сферы в нашей стране, ее потенциал и роль в социально-экономическом развитии.

Ключевые слова: туристическая отрасль, туристский потенциал, туристская инфраструктура, туристический сервис, туристы.

Abstract: In this article, the development of the tourism sector in our country, its potential and its role in socio-economic development are studied.

Key words: tourism industry, tourist potential, tourism infrastructure, tourist service, tourists.

Сўнги йилларда туризм жаҳон иқтисодиётида сердаромад ва тез суръатларда ривожланиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. У халқаро сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. 2000 йилдан буён туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида қайд этилиб, унинг ўсиш суръатлари ва улушининг ошиб бориши келажак индустрияси сифатида эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.[1] Ушбу тенденциялар юқори туристик салоҳиятга эга Ўзбекистонда туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг етакчи сектори сифатида ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишга асос бўлди. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган.[4]

Туризм ҳозирги кунда ўзининг кўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. Туризм иқтисодиётнинг кўпгина жабҳаларини ривожлантиришга имкон яратади. Жумладан, транспорт тармоқлари, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, савдо тармоқлари ва ҳ.к. Туризмни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида ўзига хос дам олиш, ҳордиқ чиқариш, кўнгил очар масканлар индустриясини ташкил этиб, ўз ўрнида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор соҳаларни қамраб олган ҳисобланади. Шу жумладан, республикада олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

йўналишларидан бири туризм соҳасини ривожлантириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди.[3]


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йили 28 январь кунги 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси давлат дастурини тасдиқланди ва ушбу дастур 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Унинг 35-мақсадида туризм фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилган бўлиб, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш вазифа этиб белгиланган. Шунингдек, дастурда тўсиксиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш, 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 баравар ошириб, 520 минг нафарга етказиш, туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастури қабул қилиш кераклиги таъкидланган.[2]

Демак, бу соҳада амалга ошириладиган ишлар жуда кўп бўлиб, уларни ривожлантиришда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини белгилаб беради.

2017-2023 йилларда Ўзбекистонга келган хорижий сайёҳлар сони сезиларли даражада ошган бўлсада, 2020 ва 2021 йилларда бу кўрсаткич жаҳонда содир бўлган пандемия туфайли бир қанча паст кўрсаткичларга эга бўлди. Хусусан, 2017 йилда мамлакатимизга 2,7 млн киши ташриф буюрган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 6,6 млн кишини ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 2,5 баробарга кўп. Лекин, 2019 йилга нисбатан 100 минг кишига кам бўлган.[5]

1-расм

Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар динамикаси, (млн киши ҳисобида)



2023 йили Ўзбекистонга сайёҳлар асосан қўшни давлатлардан, яъни Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Россиядан ташриф буюрган.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Шунингдек, мамлакатимизга Туркия, Туркменистон, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Италия, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Испания, Беларуссия, Озарбайжон ва Япониядан ҳам кўплаб туристлар келган.[6]

2-расм.

Ўзбекистонга сайёҳлар ташриф буюрувчи асосий давлатлар, (2023 й., фоизда)



Шундай экан, бугунги кунда туризм соҳасини қайта тиклаш ҳамда соҳада шиддат билан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни дунёда вужудга келган санитария-эпидемиология ҳолатидан келиб чиқиб олиб бориш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу нуқтаи назардан қаралганда туризм тизимида хос бўлган тушунчаларнинг, хусусан, “туристик ресурс” тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар долзарб бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳудудий туристик ва рекреацион ресурслар туристик мақсадларини амалга оширишда ташриф буюрувчининг эҳтиёжларини қондириш учун туристик маҳсулотни ишлаб чиқишда фойдаланилувчи ҳудуднинг табиий-иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий омилларини яхлит мажмуасидир. Умуман, туристик-рекреацион хизматларнинг ривожланиши Республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшиб, маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайиши, инвестициялар оқимининг ўсиши, ишчи ўринларини яратилиши, аҳоли саломатлигини яхшиланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Рекреационные системы. монография / под ред. Н. С. Мироненко, М. Бочварова. - М.: Изд-во МГУ, 1986. - 136с.
2. Abdimuratova N.K., The value and significance of the development of tourism activity in our Republic in the economy Science and Education in Karakalpakstan ISSN 2181-9203 №1/2 (31)2023.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

3. И.Тухлиев, Ғ.Х Қудратов, М.Қ Пардаев “Туризмни режалаштириш” дарслик “Иқтисод-молия” (2010) Тошкент.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси Халқ сўзи газетаси 28-декабр 2018-йил
5. <https://kun.uz/ru/news/2024/02/22/skolko-turistov-posetilo-uzbekistan-v-2023-godu>
6. [https://daryo.uz/ru/2024/03/31/v-2023-godu-v-uzbekistan-posetili-66-mln-turistov.](https://daryo.uz/ru/2024/03/31/v-2023-godu-v-uzbekistan-posetili-66-mln-turistov)